

ИСТИҚЛОЛ – ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ОРЗУИМИЗ

Мустақилликнинг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, вилоят ҳокими Ойбек АШУРМАТОВнинг барча сирдарёликларга байрам табриги

Бундан йигирма беш йил аввал халқимиз асрлар давомида орзу қилган, қалбида асраб-авайлаб келаётган буюк истак амалга ошди. Мустақил бўлдик.

Истиқлолга эришишимиз осон бўлмади, қийин, оғир йўлни босиб ўтдик, бироқ ниятларимиз бутун, танлаган йўлимиз тўғри экан, кўзлаган мақсадларимизга эришдик, эришмоқдамиз. Олиб бораётган кенг кўламли ислохотларимиз, қўлга киритаётган улкан ютуқларимиз юртимизнинг эртаси буюк эканлигидан далолат бериб турибди.

Бугун ким эдигу ким бўлдик, деган саволга жавоб бера оламиз. Энг муҳими, мустабид тузумнинг асоратларидан бутунлай халос бўлдик, дунё ҳамжамияти олдида нуфузимиз, обрў-эътиборимиз, мавқеимиз ортди.

Мустақилликнинг 25 йиллиги муносабати билан муҳтарам Юртбошимиз томонидан “Тўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори ўртага ташланди. Чуқур фалсафий мазмунга эга бўлган бу шиор Ватанга бўлган меҳр ва муҳаббатимизни ифодалаш билан бирга, бу муқаддас заминни асраб-авайлаш, ҳар бир кунимизни қадрлаш, элу юртни, қишлоқ ва шаҳарларимизни обод қилишга, келажак авлодлар учун обод ва озод Ватан қолдиришга даъват бўлиб жаранглади.

Юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, бу сўзлар “Содик фарзандларнинг она Ватанга ўтли муҳаббат изҳори. Шунинг учун ҳам уларни шунчаки, ҳиссиз айтиб бўлмайди. Айниқса, “Жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” деган жойини. Бу – мард фидойилар наъраси.”

Халқимиз бугун номаъқул моделлардан бутунлай воз кечиб, муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган машҳур беш тамойилга асосланган ўз тараққиёт йўлини қатъий танлаб олгани ва дунёда “Ўзбек модели” сифатида эътироф этилган ушбу ривожланиш стратегиясининг реал натижаларини ўз кўзи билан кўриб, гувоҳи бўлмоқда.

Бир вақтлар қоқоқ, иқтисодиёти фақат пахтага асосланган Ўзбекистон бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ривожланаётган, иқтисодиётда саноатнинг улуши кўпайиб бораётган, экспортбоп ва рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, саноати юқори технологияларга асосланган мамлакатга айлангани ҳақиқат.

Улкан ютуқларимиздан бири юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, миллатлараро дўстлик эканлигини алоҳида қайд қилгимиз келади. Эркин фикрлайдиган, ўз эътиқодига содиқ, маънан ва жисмонан етук, замонавий билим ҳамда касб-хунарларни пухта эгаллаган иқтидорли йигит-қизларни камол топтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган юртда яшаётганимиз – бизнинг бахтимиз.

Иқтисодиётимиз юксалмоқда. Буни вилоятимиз мисолида кўрадиган бўлсак, яратилган қулай шарт-шароитлар натижасида шу йилнинг ўтган ярим йиллигида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 1 трлн. 385,5 млрд. сўмни ташкил этганлиги ўтган йилга нисбатан 108,0 фоизга ўсганлигини аниқлатади.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 109,8 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 118,4 фоизга, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 105,5 фоизга, асосий капиталга инвестиция киритиш 106,1 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари 117,5 фоизга, чакана товар айланмаси 110,3 фоизга, пуллик хизматлар 109,4 фоизга, хизматлар ҳажми 114,7 фоизга таъминланлиги ҳам вилоятимиз юксалиш сари жадал бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 1,7 млн. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,6 фоизга ёки 278,7 минг сўмга кўп демакдир. Аҳоли жон бошига истеъмом товарлари ҳажми 1,2 баравар кўпайди.

Ушбу эришилган натижалар муҳтарам Президентимизнинг шахсий ташаббусларига кўра ишлаб чиқилган ва ҳаётга муваффақиятли жорий этилаётган мамлакатни ривожлантиришнинг ўзига ҳос йўли ва модели нақадар тўғрилигига барчани ишонтира оладиган далилдир.

Жаҳон бозорларида беқарорлик шароити сақланиб қолаётганига карамай, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ва турларини кенгайтириш бўйича кўрилган тизимли чора-тадбирлар товар ва хизматлар экспортининг жадал ўсиш суръатларини таъминланди.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш дастури изчил амалга оширилаётганлиги туфайли 14 минг 180 та ёки белгиланган прогнозга нисбатан 105,1 фоиз янги иш ўрни ташкил этилди. Шундан, 11 минг 868 таси ёки 84 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келганигини алоҳида таъкидлаш керак. Шунингдек, тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш ҳисобига 11 минг 500 та янги иш ўрни ташкил этилди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 30,3 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ-2487– сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, вилоят ҳокимлиги ҳам ўзининг кенг қамровли дастурини қабул қилди.

Вилоятда соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш борасида 221,400 нафар зурриёд ёшидаги аёлларнинг саломатлиги муҳофаза қилиниб, уларнинг 70 фоиздан зиёдроғи чуқурлаштирилган профилактик тиббий кўрикдан ўтказилди ва соғломлаштирилди.

Шунингдек, республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутахассислари ҳамда вилоят тиббий муассасалари мутахассислари иштирокида вилоятдаги Сардоба, Ховос, Гулистон, Мирзаобод, Околтин, Сирдарё туманлари қишлоқ врачлик пунктларида “Фертил ёшидаги аёлларни соғломлаштириш ҳафталиклари” ўтказилди.

Дастур доирасида вилоятда жорий йилнинг 6 ойи давомида 4 мингга яқин никоҳланувчи шахслар тиббий кўрикдан ўтказилди. Республика мутахассислари иштирокида 6145 нафар кексалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларидан 8 нафари, меҳнат fronti фахрийларидан 83 нафари ва 3858 нафар меҳнат фахрийларидан 3852 нафари амбулатор шароитда, 284 нафари стационар шароитда даволандилар, 156 нафарига санаторий-курортларга даволаниш учун йўлланмалар берилди.

Оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг 6 ой якуни бўйича 1482,0 млн сўм кредит маблағлари имтиёзли равишда ажратилди.

Бу каби эзгу дастурлар ижроси таъминланмоқда.

Гулистон шаҳрининг ер ости сувлари сатҳини пасайтириш ва инфратузилмасини ривожлантириш дастури ижроси бўйича вилоят марказида улкан қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб бормоқда. Дастурга мувофиқ 2015-2019 йилларда Гулистон шаҳрида 1 трлн. 380 млрд. сўмлик қурилиш - ободонлаштириш ишлари бажарилиши кўзда тутилган.

Дренаж тизимини яхшилаш ва ер ости сувлари сатҳини пасайтириш бўйича 116 млрд. сўмлик ишлар бажарилди, шаҳар ҳудудидаги 270 километр узунликдаги очиқ коллекторлар тозаланди. Темир йўл ва автомобиль йўллари остидан олиб ўтиш учун 3 та дюкер ва насос станциялари ишга туширилди.

Шаҳардаги 60 та тик қудуқ (режа - 68 та) реконструкция қилинди, уларнинг сувини олиб чиқиб кетиш учун жами 12 километр қувурлар тортилди.

Дўстлик каналининг шаҳар ҳудудидан ўтувчи 3,5 километр қисми реконструкция қилинди ва 20 млрд.сўмлик ишлар бажарилди, каналнинг икки қирғоғида 4,6 километр қузатув йўлаклари ҳамда 3,4 километр 1,2

млрд.сўмлик ёпиқ-ётиқ коллекторлар қуриш ишлари якунланди. 2000 дон арча ва 2770 туп манзарали кўчатлар экилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида Гулистон шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудларда сизот сувлар сатҳи ўтган йилга нисбатан 1-1,5 метрга пасайди.

Йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида, 6,5 км янги йўллар қуриш, 15,5 км йўлларни реконструкция қилиш ва 32 км йўлларни мукамал таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

Шаҳарнинг 8 та, яъни Мустақиллик, Ўзбекистон, Бирлашган, Хондамир, Сайхун, Тошкент, Халқлар Дўстлиги ва Гулистон кўчалари кенгайтирилиб, эски биноларни бузиш ва улар ўрнида кўп қаватли уйлар қуриш ишлари бошлаб юборилган. Гулистон, Бирлашган, Мустақиллик ва Хондамир кўчаларида 12,2 млрд. сўмлик қурилиш-реконструкция ишлари бажарилди.

М-34 йўлининг 117 км. қисмидаги йўл ўтказгични реконструкция қилиш ишлари бошланиб, бугунги кунда 1,5 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Муҳандислик тармоқлари ва коммунал соҳа объектларини модернизация қилиш ишлари график асосида кетмоқда. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 20 та янги трансформатор подстанциялари ўрнатилди (режа - 37 та) ва 16 км тармоқларда қурилиш-реконструкция ишлари бажарилди (режа - 72 км).

Газ таъминотини яхшилаш мақсадида 4 та янги газ тақсимлаш пунктлари (ГРП) ўрнатилди ва 8 км тармоқлар қурилди.

Мустақиллик кўчасида 3 км, Хондамир кўчасида 1 км, Сайхун кўчасида 1 км ва янги қуриб битказилган уйларга 1 км сув тармоқлари қурилди. 3,5 км узунликдаги канализация тармоқларида қурилиш-реконструкция ишлари якунланди.

Шаҳарнинг янги маданият маркази барпо этилмоқда. Бунда янги фавворалар, сквер, бульвар барпо этиш ва бошқа ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда. “Маданият маркази” ҳудудида жойлашган Олим Хўжаев номидаги вилоят мусикали драма театри ва маъмурий биноси реконструкция қилинмоқда. Театр биноси ёнида янги амфитеатр қуриляпти.

Гулистон Олимпия захиралари спорт мактабида 150 ўринли ётоқхона ва 300 ўринли ошхона қурилди. “Ўзбекистон” кўчасида бассейн мажмаусида 400,0 млн.сўмлик қурилиш-реконструкция ишлари бажарилди. Шунингдек, Гулистон давлат университетининг бош корпуси реконструкция қилинмоқда. Мазкур реконструкция ишлари учун - 7,5 млрд.сўм миқдорида маблағ ажратилган.

Бундан ташқари, шаҳардаги 4 та шифохона, 2 мактаб ва 3 та боғчада реконструкция ишлари кетмоқда.

Марказий деҳқон ва буюм бозорлари қуриш учун Боёвут тумани “Деҳқонобод” маҳалласи ҳудудидан 10,5 гектар ер майдони ажратилиб, қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бу ерда бугунгача қарийб 7 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Парк зоналари, сайилгоҳлар ташкил этиш ва ҳудудларни ободонлаштириш ишларига алоҳида аҳамият қаратилган. Шаҳарда марказий истироҳат боғи қурилмоқда. Айни вақтда боғда замонавий фаввора қурилиши якунланиб, 2,0 млрд. сўмлик ишлар бажарилди.

“Дўстлик” канали чап қирғоғида маданий ҳордиқ чиқариш зонаси ташкил этилиб, турли хил кўнгилоҷар иншоотлар, аквапарк, катталар ва болалар учун алоҳида ҳудудлар, музқаймоқ ва салқин ичимликлар шохобчалари ҳамда бошқа иншоотлар барпо этилмоқда.

Шаҳарда 41 гектар майдонда парк ва сайлгоҳлар қурилиб, замонавий аттракционлар ўрнатиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда.

Уй-жой фондини янгилаш мақсадида 97 та кўп қаватли уйлар қуриш кузда тутилган. Сайхун кўчасида қурилаётган уч қаватли 26 та уйнинг 18 таси фойдаланишга топширилди. Яна 20 та тўрт қаватли уй-жой қурилиши ҳам назарда тутилган. Мазкур уйлар қурилиши учун 6 та тижорат банки томонидан 30 млрд.сўм кредит маблағлари ажратилган.

Шаҳарнинг 17 та маҳалласи ҳудудлари ободонлаштирилиб, мелиорация ва ирригация тармоқлари, ички йўл ва йўлакчалар таъмирланади ҳамда болалар ва спорт майдончалари, маҳалла гузарлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва бошқа объектлар қурилади.

Чиндан ҳам Гулистон кундан-кунга чирой очиб бормоқда

Ғаллакорларимиз катта хирмон бунёд этишди. Иншоллоҳ, бу йил пахтакорларимизнинг ҳам юзлари ёруғ бўлади. Буни даладаги самарали меҳнат, ғўзаларининг бугунги ҳолати кўрсатиб турибди.

Ҳурматли юртдошлар! Энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйи билан барчангизни самимий табриклайман. Сизларга соғлиқ-омонлик, узоқ умр, бахт ва саодат тилайман. Илоҳо, юртимиздаги бугунги қут-барақа, тинчлик-барқарорлик ва юксалишларга кўз тегмасин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзosi,
вилоят ҳокими Ойбек АШУРМАТОВнинг
Мустақилликнинг 25 йиллиги муносабати билан барча
сирдарёликларга оммавий ахборот воситалари орқали байрам
табриги**